

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 4, 2022

[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)





*The journal was registered with the certificate № 05-45 on February 25, 2011 at Bukhara Region Press and Information Administration of Uzbekistan Press and Information Agency*

\*\*\*

*According to the resolution №201/3 as of December 26, 2013 of the Presidium of Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan the journal was included into the list of scientific journals in which scholarly articles on the scientific results of dissertations on Psychology must be published.*

\*\*\*

*Address:*

*200117, Buxoro city,  
K.Murtazoyev street, 11  
Buxoro State University  
Editorial and publishing  
Department  
Phone: +998 (97) 798-33-75*

**The journal is published 4 times a year**

*Website: [www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)  
E-mail:  
[nashriyot\\_buxdu@buxdu.uz](mailto:nashriyot_buxdu@buxdu.uz)*

*Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2011-yil 25-fevral № 05-45-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.*

\*\*\*

*Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2013-yil 26-dekabrdagi 2013-sonli qarori bilan psixologiya fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.*

\*\*\*

*Tahririyat manzili:*

*200117, Buxoro shahri,  
K.Murtazoyev ko'chasi, 11-uy  
Buxoro davlat universiteti  
"Tahririyat nashriyot" bo'limi  
Tel: +998 (97) 798-33-75*

**Jurnal 1 yilda 4 marta chiqadi.**

*Website:  
[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)  
E-mail:  
[nashriyot\\_buxdu@buxdu.uz](mailto:nashriyot_buxdu@buxdu.uz)*

*Журнал зарегистрирован Бухарским областным управлением агентства печати и информации Республики Узбекистан. Свидетельство № 05-45 от 25.02.2011г.*

\*\*\*

*Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании решения ВАК №201/3 от 26 декабря 2013 года для получения учёной степени доктора психологических наук.*

\*\*\*

*Адрес:*

*город Бухара 200117,  
улица М.Икбала, 11  
Бухарский государственный  
университет  
Редакционный отдел  
тел: +998 (97) 798-33-75*

**Журнал выходит 4 раза в год.**

*Website:  
[www.psixologiyabuxdu.uz](http://www.psixologiyabuxdu.uz)  
E-mail:  
[nashriyot\\_buxdu@buxdu.uz](mailto:nashriyot_buxdu@buxdu.uz)*



# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL \* НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

4-son 2022-yil. \* Выпуск 4. 2022 год.

**BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:**  
**BAROTOV SH. R.**

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)  
Действительный член (академик) Международной Академии  
психологических наук

## TAHRIR HAY'ATI – РЕДАКЦИОННАЯ

### КОЛЛЕГИЯ:

XAMIDOV O.X.

Buxoro davlat universiteti rektori,  
iqtisodiyot fanlari doktori, professor  
SHOUMAROV G.^B.

Psixologiya fanlari doktori, professor  
UMAROV B.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor  
KOZLOV V.V. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor  
MALI'X S.B. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor  
KOROBENIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor  
KARIMOVA V.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor  
SAFOYEV N.S.

Psixologiya fanlari doktori, professor  
BEKMURODOV M.B.

Sotsiologiya fanlari doktori, professor  
KADIROV U.D.

Psixologiya fanlari doktori, professor  
JABBOROV A.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor  
OLIMOV Sh.Sh.

Pedagogika fanlari doktori, professor  
JUMAYEV R.G.^.

Siyosiy fanlari fanlari bo'yicha falsafa  
doktori (PhD), dotsent

NISHONOV A.Z.

Psixologiya fanlari doktori, professor  
NAZAROV A.M. Psixologiya fanlari  
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

IBODULLAYEV Z.R.

Tibbiyot fanlari doktori, professor  
BEGMATOV A.S.

Falsafa fanlari doktori, professor  
HUSEYNOVA A.A.

Falsafa fanlari doktori, professor  
MUXAMEDOVA D.G.

Psixologiya fanlari doktori, professor  
RUXIYEVA X.A.

Psixologiya fanlari nomzodi, professor  
BAROTOVA D.SH.

Psixologiya fanlari doktori, dotsent  
AKRAMOV V.R.

Tibbiyot fanlari doktori, dotsent  
ZARIPOV G.T.

Texnika fanlari nomzodi, dotsent.

### MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:

Usmanova M.N. – psixol.fan.nom., dotsent

Muxtorov E.M. – psixol.fan.nom., dotsent

Raxmatova M.M. – filologiya fanlari

bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Abzalova M.K. - filologiya fanlari doktori,  
professor

Sobirova D.A. – psixologiya fanlari  
bo'yicha falsafa doktori (PhD)

### TEXNIK MUHARRIRLAR – TEX.

#### РЕДАКТОРЫ:

Ostanov Sh.Sh, Shirinova M.Sh.,  
Tilavov M.H.

### MAS'UL KOTIB – OTB. СЕКРЕТАРЬ

Sayfullayeva N.Z. – pedagogika fanlari  
bo'yicha falsafa doktori (PhD)



# **PSYCHOLOGY**

## **SCIENTIFIC JOURNAL**

**Issue 4: 2022**

### **EDITOR-IN-CHIEF:** **BAROTOV SH. R.**

Doctor of Psychology, professor, the member (academician) of International Academy of Psychological Sciences

### **EDITORIAL BOARD:**

XAMIDOV O.X.

Doctor of Economic Sciences, Professor,  
The rector of Bukhara State University  
SHOUMAROV G.B.

Doctor of Psychology, Professor  
UMAROV B.M.

Doctor of Psychology, Professor  
The assistant of the editor-in-chief  
KOZLOV V.V. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor  
MALIKH S.B. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor  
KOROBENNIKOV I.A. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor  
KARIMOVA V.M.

Doctor of Psychology, Professor  
SAFOEV N.S.

Doctor of Psychology, Professor  
BEKMURODOV M.B.

Doctor of Sociology, Professor  
KADIROV U.D.

Doctor of Psychology, Professor  
JABBOROV A.M.

Doctor of Psychology, Professor  
OLIMOV Sh.Sh.

Doctor of Pedagogical sciences,  
Professor

JUMAEV R.G.

PhD in Political Sciences, Docent  
NISHONOVA Z.T.

Doctor of Psychology, Professor  
NAZAROV A.M.

PhD of Psychology  
IBODULLAEV Z.R.

Doctor of Medical Sciences, Professor

BEGMATOV A.S.

Doctor of Philosophy, Professor  
HUSEYNOVA A.A.

Doctor of Philosophy, Professor  
MUXAMEDOVA D.G.

Doctor of Psychology, Professor  
RUXIYEVA X.A.

Candidate of Psychology, Professor  
BAROTOVA D.SH.

Doctor of Psychology, Docent  
AKRAMOV V.R.

Doctor of Medical Sciences, Docent  
ZARIPOV G.T.

Candidate of technical sciences, Docent

### **EDITORS:**

Usmanova M.N. – Candidate of  
Psychology, Docent

Mukhtorov E.M. – Candidate of  
Psychology, Docent

Raxmatova M.M. – Doctor of  
Philosophy in Philological Sciences  
(PhD), Docent

Abzalova M.K. – Doctor of Philological,  
Professor

Sobirova D.A. PhD of Psychology

### **TECHNICAL EDITORS:**

Ostanov Sh.Sh, Shirinova M.Sh.,  
Tilavov M.Kh.

### **EXECUTIVE SECRETARY**

Sayfullaeva N.Z. – Doctor of Philosophy  
in Pedagogical Sciences (PhD)





**Ганжиев Феруз Фурқатович,**  
Бухоро давлат унверситети психология ва  
социология кафедраси ўқитувчиси (PhD)

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИЛАРИЛАРИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ УСЛУБИ

**Аннотация:** Мақолада ижтимоий-психологик компетентлик самараадорлигига баҳо берши учун тадқиқот мақсадига мос равишда татбиқ этилган методикалар бугунги кун ижтимоий психология фанининг айрим амалий-татбиқий йўналишлари ва истиқболлари ҳақида янада чуқурроқ тасаввур ҳосил қилиши имконини беради. Умуман, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг шахсий ва касбий фаолият уйгунилгининг намоён этилишида шахс типлари ва коммуникатив ва социал компетентлик хусусиятларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиши ва тегиши эмпирик хуносалар чиқарии орқали тарбиячиларда ўзига хос компетентлик омилларининг намоён этилиши ва ривожланишига баҳо берши мумкин.

**Калим сўзлар:** касбий компетентлик, эмпирик маълумот, глобаллашув, ислоҳот, психологик усуслар, коммуникатив компетентлик, социал компетентлик, когнитив компетентлик, аутопсихологик компетентлик.

## МЕТОДИКА ИССЛЕДОВАНИЯ СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ УЧИТЕЛЕЙ ШКОЛЬНОЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

**Аннотация:** используемые в статье методы оценки эффективности социально-психологической компетентности в соответствии с целью исследования позволяют глубже понять некоторые практические направления и перспективы науки социальной психологии на сегодняшний день. В целом проявление и развитие конкретных факторов компетентности у воспитателей можно оценить путем углубленного изучения, анализа и соответствующих эмпирических выводов о типах личности и коммуникативно-социальной компетентности в выражении личностно-профессиональной деятельности воспитателей дошкольного учреждения.

**Ключевые слова:** профессиональная компетентность, глобализация, реформа, эмпирическое знание, психологические методы, коммуникативная компетентность, социальная компетентность, когнитивная компетентность, аутопсихологическая компетентность.

## THE METHOD OF RESEARCHING SOCIAL-PSYCHOLOGICAL COMPETENCE OF TEACHERS OF SCHOOL EDUCATION ORGANIZATION

**Annotation:** the methods used in this article to assess the effectiveness of socio-psychological competence in accordance with the purpose of the study provide a deeper understanding of some of the practical directions and prospects of the science of social psychology today. In general, the manifestation and development of specific competence factors in educators can be assessed through in-depth study, analysis and appropriate empirical conclusions of personality types and communicative and social competence in the expression of personal and professional activity of preschool educators.

**Keywords:** professional competence, empirical knowledge, globalization, reform, psychological methods, communicative competence, social competence, cognitive competence, autopsychological competence.

Глобаллашув жараёнининг кечиши, ўзига хос ижтимоий тараққиёт тамойилларига мос шахсни тарбиялаш ва унга ижтимоий-психологик таъсир этишини таъминловчи тарбиячиларга бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларини ўрганиш, уларнинг компетентлигини шаклантириш ва ривожланириш механизmlарини ишлаб чиқиш каби устувор масалалар бўйича муҳим тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар талабига тўла жавоб берувчи, интеллектуал салоҳияти юкори, кескин

ўзгаришларга тез мослаша оладиган, рақобат бардош, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, айни пайтда ушбу тизимда, масъулиятли, иродали, ўз касбига садоқатли, фидойи кадрларни етиштириш вазифасини қўймокда. Ушбу вазифанинг амалий жиҳатдан бажарилиши мактабгача таълим ташкилотларида соғлом психологик мухитнинг яратилиши билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, ҳар бир тарбиячидаги шахслик хусусиятлари ва ижтимоий-психологик компетентлик ўртасидаги уйғунликни таъминловчи психологик механизмларнинг фаолият самарадорлигига бевосита таъсирини белгилаб берувчи омилларни аниқлаш, тадқиқ қилиш асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни бевосита амалиётда қўллаш масаласини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу мақола муайян даражада хизмат қиласди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон олимлари тадқиқотларида компетентлик муаммоси педагогика фанлар каби психологиянинг ҳам муайян даражадаги тадқиқот обьекти бўлиб келмоқда. Мазкур муаммо психологик тадқиқот сифатида дастлаб Д.Г. Майерс, К.Р. Роджерс, Ж.Ф. Пиаже, Д. Векслер, Д. Гоулман, Г.Ю. Айзенк, Л.Ф. Бахман, А.Д. Палмер, Ян Ван Эк, Г.У. Олпорт, А.А. Реан, В.А. Кан-Калик, Э.Ф. Зеер ва бошқа бир катор олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Мамлакатимиз олимларидан М.Г. Давлетшин, Э.Ғ. Фозиев, Ф.Б. Шоумаров, А.М. Жабборов, З.Т. Нишонова, Д.Г. Мухамедова, Ш.Ҳ. Абдуллаевалар педагог касбий компетентлигининг психологик муаммоларини ўз тадқиқотларида очиб берганлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари компетентлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш, унинг ўзига хос ижтимоий психологик омилларига жиддий эътибор қаратиш, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари касбий фаолияти самарадорлигини таъминлашда мухим рол ўйнайди. Шу нуктаи назардан мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилар ижтимоий-психологик компетентлик имкониятлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш учун улар билан алоҳида тадқиқотлар олиб борилиб, эмпирик маълумотлар йиғиш ва уларнинг натижаларини ижтимоий психологик талаблар асосида таҳлил қилиш тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мазкур параграфда ушбу муаммони ечиш ва ижтимоий психология фани учун мухим бўлган илмий янгиликлар киритишни мақсад қилиб олдик.

Биз тадқиқот мақсадидан келиб чиқиб касбий компетентлик кўрсаткичларини ўрганишга, таҳлил қилишга ва тегишли хуросалар чиқариб амалий тавсиялар беришга ҳаракат қилдик. Ҳар бир олингандан натижка маҳсус тартибда қабул қилинган мезонлар ва баллар тизимига киритилиб керакли маълумотларга эга бўлиш имконини берди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлик шаклланишини намоён этувчи ўртacha-умумий ва қиёсий-типик кўрсаткичлар кўламига баҳо бериш билан бирга бу жараён учун характерли бўлган касбий компетентликни касбий фаолият самарадорлигига таъсирини аниқлаш, аникроғи илмий таҳлиллар асосида уларга баҳо бериш масаласи ҳам тадқиқотимизнинг тўлақонли бўлишини таъминловчи мухим масалалардан бири ҳисобланади.

Энди, ҳар бир усулнинг тадқиқот мақсадига мос мазмуни ва тадқиқ қилиш услуби ҳақида қисқача изоҳ бериб ўтамиш.

Ижтимоий-психологик компетентликни тадқиқ этишнинг назарий таҳлилида келтириб ўтилган маълумотлар эмпирик натижаларни шарҳлашда методологик асос сифатида хизмат қилиши хусусида юқорида мулоҳаза юритган эдик. Ўз навбатида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари касбий компетентлигини касбий фаолияти билан боғлаб тадқиқ этиш бугунги кун психологиясининг

долзарб муаммоларидан бири саналади.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлигини янада мукаммалроқ ўрганиш учун муаллифлик сўровномамииздан фойдаландик. Ушбу сўровномада мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлиги бешта омил бўйича аниқланди: «психологик компетентлик», «социал-перцептив компетентлик», «коммуникатив компетентлик», «когнитив компетентлик», «аутопсихологик компетентлик». Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини шаклланганлик даражасини экспер特 баҳолашда ҳамкаслар ҳамда ота-оналар жалб этилди.

1. Психологик компетентлик - мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий фаолиятида тарбияланувчилари ва жамоаси ўзаро ҳамжиҳатликни ташкил этишдан иборат психологик усуслар ва малакалардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш қобилияти. Тарбиячиларнинг ҳар бир болани ёш психологиясини ва индивидуал хислатларини билиши, уларнинг касбий фаолият жараёнини мудаффакиятли кечишини тъминлаши шубҳасизdir.

2. Социал-перцептив компетентлик-атрофдагиларни шахс сифатида ички дунёсини ўқий олиши ва шахсларро муносабатларда улар билан эмоционал мулоқотда бўлишга, жамоадошлари, ота-оналар билан психологик алоқани ўрнатишга ёрдам беради. Шу билан бирга мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ахлоқ асослари ва нормаларини билиши жуда ҳам муҳимdir.

3. Коммуникатив компетентлик- мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий компетентлигини асосини ташкил қилувчи, шахсларао муносабатда муҳим омил синалевчи, атрофдагиларни ижобий муносабатини шакллантирадиган, ўз фикрини бошқаларга маъноли тушунтира оладиган ва ўзаро мулоқотни тўғри ташкил қила олиш қобилияти.

4. Когнитив компетентлик - бу мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг касбий фаолиятида учрайдиган психологик тўсиқларни енгил ўтиш, фаолият жараёнода касбий вазифаларни тўғри ҳал қила олиш, вазиятни тўғри баҳолай олиш ва ахборотларни синтез қила олиш қобилияти. Ўзга инсонларни қизиқишилари ва дунёкарашларини адекват тушуниш мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг муҳим хислатларидан биридир.

5. Аутопсихологик компетентлик - ўз хатти-харакатларини тўғри бошқара олиш ўз шахсий хусусиятларини адекват баҳолай олиш ўз-ўзига баҳо ва ўз-ўзини тартибга солиш қобилияти. Бу қобилият касбий фаолият самарадорлигини тъминловчи ва мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг жамиятдаги ролини белгилаб берувчи омиллардан хисобланади.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш лозим бўладики, эксперталарнинг баҳоларида ижтимоий-психологик компетентлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ўртачадан юкори қийматларга эга бўлсада, аммо уларнинг қийматларида Стыодент t-мезонига кўра фарқлар ишончлилиги кўзатилди. Эксперт баҳолаш натижалари юзасидан олинган натижалар куйидаги жадвалда акс этган («1-жадвалга қаранг»).

Эксперт баҳолашда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг «Психологик компетентлик» (ҳамкаслари 5,42 балл ва ота-оналар – 6,13 балл билан баҳолаган бўлиб, фарқлар ишончлилиги  $p < 0,05$  қийматни кўрсатди). Эксперталарнинг ушбу шкала бўйича баҳолари мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ушбу қобилиятини ота-оналари бевосита машғулотлар жараёнини кўзатишдаги ҳамкаслари эса улар билан бевосита иш жараёни, касбий фаолият ҳамда кундалик турмуш юмушлари билан боғлиқ муносабатларидаги таассуротлари орқали баҳолаганлар. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ўз тарбияланувчиларининг ота-оналари билан таълим жараёнидаги муносабатларида зарур ўринларда субординация сақлашга ҳаракат қилиши мазкур шкала бўйича қийматлари ҳамкасларига қараганда пастрок бўлишига сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг «социал-перцептив компетентлик» бўйича кўрсаткичларда ҳам ҳамкасларнинг берган баҳоси юқорироқ кўриниш олган (5,73 балл). Ушбу ўринда тарбиячиларнинг масъулиятли, одамларга муносабатини тўғри амалга ошира олиши, ҳамкорликни онгли амалга ошириши касбий сифатларга мансуб эканликларини кўрсатмоқда. Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг «коммуникатив компетентлик» шкаласи кўрсаткичлари ҳам ота-оналар ва ҳамкаслари томонидан бошқа шкалаларда кўзатилган манзарани акс эттироқмокда (ҳамкаслар – 5,02 балл ва ота-оналар – 6,11 балл, фарқларнинг ишончлилиги –  $p < 0,001$ ).

## 1 -жадвал

**Мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлигини эксперт баҳолаш натижалари**

№	Шкалалар	Ота-оналар		Ҳамкаслар		Т
		X	Σ	X	σ	
1.	Психологик компетентлик	5,42	1,10	6,13	0,74	-2,23*
2.	Социал-перцептив компетентлик	4,35	1,56	5,73	0,96	-6,07***
3.	Коммуникатив компетентлик	5,02	1,45	6,11	0,93	-7,66***
4.	Когнитив компетентлик	5,13	1,26	6,41	0,83	-10,98***
5.	Аутопсихологик компетентлик	5,43	1,40	6,24	0,80	-9,42***

Изоҳ: \* $p<0.05$ . \*\*\* $p<0.001$

Шкала қийматлари асосида эксперталар мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлигини ушбу шкаласида ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатишга, инсоний муносабатларни ўрнатишга ва муомалани қоидали амалга оширишга қобилиятли эканликлари билан характерланади. Демак, юқоридагиларга асосланган ҳолда ижтимоий-психологик компетентликни шахс типлари, шахслик хусусиятлари ва социал интеллект билан ўзаро уйғуллигини таъминлашга хизмат килувчи ижтимоий омилларни ўрганишга қаратилган усуллар бугунги мактабгача таълим тизимида фаолият юритаётган тарбиячилар фаолиятидаги касбий компетентлик кўрсаткичларини ўрганиш, тадқиқ қилиш ва тадқиқот максадига мос илмий-амалий хуносалар чиқариш имконини беради. Энди, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларилари касбий компетентлигини муҳим омили ҳисобланадиган социал интеллектни ўрганишга доир дастлабки микдорий таҳлиллар (ўртacha қыймат ва корреляция коэффицентлари) умумий ҳолатни акс эттирган хусусий ҳолатлар, яъни социал интеллектининг касбий камолот даражасини белгилашдаги ўрни хусусида тўхталиб ўтамиз. («2- жадвалга қаранг»).

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилариларининг социал интеллектига хос бўлган турли хил хусусиятлар касбий фаолияти жараёнида касбий компетентликка таъсирини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Биз мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари касбий компетентлиги билан социал интеллекти ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганишдан олдин барча босқичдаги тарбиячилар шахсига хос хусусиятларнинг умумий кўринишини таҳлил этамиз. Кейинги таҳлилларимизда эса айнан касбий компетентлик билан унинг бошқа омилларини касбий фаолиятидаги аҳамиятига бағищлаймиз.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилариларини социал интеллектининг умумий ҳолатини ўрганишда Дж. Гилфорд тести татбиқ этишдан олинган қийматлар устида таҳлил амалга оширилади

Дж. Гилфорднинг тести бўйича мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларилар социал интеллектини шартли равища келтирилган стандарт баллар бўйича баҳолаймиз.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилариларининг социал интеллекти даражаси таҳлили Дж. Гилфорд методикасининг тўртта субтестида кўзда тутилган: мулокот иштирокчисининг ҳиссияти, фикри ва ниятларини тушуниш. новербал мулокот харакатларини тушуниш. вербал имо-ишораларни тушуниш. шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш кабилардан иборат шахс имкониятлари кўламини аниқлашга хизмат

**2 -жадвал****Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари социал интеллектининг умумий натижалари**

Методикалар	Шкалаалар	X	Y	T
<b>Социал интеллектни ўрганиш тести (Гилфорд бўйича)</b>	Мулоқот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,42	1,12	29,7
	Новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,52	0,92	35,9
	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,44	1,16	32,8
	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш	3,40	1,10	28,8

Энди, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг социал интеллектининг умумий шархига тўхталиб ўтайлик. Биринчи навбатда уларнинг «мулоқот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилиятига мурожаат қилинади. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг бу шкала бўйича кўрсаткичлари 3,42 га teng бўлди. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари фаолият жараёнида атрофдаги инсонлар ва тарбияланувчилари билан муомалада хулқ-атвор оқибатини олдиндан кўра олиш қобилиятини шакллантиришган. Улар муомаладаги реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан якунлашини баҳолай олишлари, баъзан одамлар билан кутилмаган, нотипик ҳолатларда хатти-ҳаракатларни прогноз қилишда янгилишишлари мумкинлиги, кўйган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқа олишига хайриҳоҳликларини англатмоқда.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг «новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш» бўйича кўрсаткичи (3,52) эса уларни шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта олишга, уларни ривожланишини мантиқан тушуниш қобилиятини ривожлантиришга ҳамда мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларининг иштирокига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятини ўстиришга имкониятлари борлигини кўрсатмоқда.

Социал интеллектда яна бир ўзига хослик вербал тарзда ифодаланаётган мулоқот ҳаракатларни тушуниш қобилиятидир. Бу борада тарбиячиларининг социал интеллектининг умумий кўриниши қўйидагича (3,42), яъни бошқа субтест натижаларига қараганда озроқ қўйи қиймат акс этганлигиdir.

Бу эса тарбиячиларнинг шахслараро муносабат характерига кўра бир-бiri билан сұхбатлашадиган инсонларни тез ва яхши тушунишга мойилликлари, мулоқотда ҳар қандай инсонлар билан тил топишиб кетишга имконликларини қайд этмоқда. Ўйлаймизки, ушбу қобилият улар учун нафақат инсонлар билан муносабат, балки тарбияланувчиларининг билдирадиган фикр-мулоҳаза ва муносабатларига қараб ҳам уларнинг шахсига хос таърифлар бера олишларидан далолат беради. Социал интеллектнинг баҳоловчи навбатдаги шкала «шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш» бўлиб, у бўйича мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари 3,40 балл қийматига эга бўлдилар. Бу балл тарбиячиларнинг новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш шкаласи билан бир хил қийматни акс эттиromoқда ва қўйидаги психологик маънога эга бўлган ижтимоий қобилиятни ўзида акс эттиради: шахслараро вазиятларни яхши англашга, инсонлар орасидаги мураккаб вазиятларни таҳлил эта олишга, уларни ривожланишини мантиқан тушунишга, мураккаб вазиятларни мулоқот иштирокчиларини фаоллигига қараб вазиятларни баҳолаш қобилиятини ўстиришлари мумкин.

**3-жадвал****Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг социал интеллект кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат натижалари**

Шкалаалар	Мулоқот иштирокчи-сининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	Новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	Шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этиш
Мулоқот иштирокчисининг хиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	1	0,364**	0,111	0,132

Новербал мулокот харакатларини тушуниш	0,364**	1	0,022	0,272*
Вербал мулокот харакатларини тушуниш	0,131	0,024	1	-0,131
Шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш	0,131	0,272*	-0,151	1

Изоҳ:\*\*  $p \leq 0.01$ . \*  $p \leq 0,05$

Юқоридаги мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг социал интеллектининг умумий ҳолатини сифат жиҳатидан таҳлил қилиш учун методика шкалаларининг кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион муносабатларни аниқлашга эришилди. Кўлга киритилган натижалар навбатдаги З-жадвалда ўз аксини топган.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари социал интеллектининг умумий натижалари қийматлари ўртасидаги корреляция муносабатларида иккита аҳамиятли корреляцион салмоққа эга коэффициентлар аниқланди. Улардан биринчиси, «мулодот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилияти билан «новербал мулокот харакатларини тушуниш» қобилияти орасида аниқланди:  $r=0,364$ ,  $p \leq 0,01$ . Социал интеллект шкалаларининг бундай салмоқлли корреляция ко-эффициенти ўқитувчиларнинг касбий фаолиятида «мулодот иштирокчиси-нинг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш» қобилиятини ривожлантириб боришлари «новербал мулокот харакатларини тушуниш» қобилиятини ўсиши билан ўзвий бораётган экан. Бу эса, тарбиячиларнинг касбий фаолиятда хулқ-атвор оқибатини олдиндан кўра олиш, муомалада реал вазиятдан келиб чиқиб, унинг нима билан якунлашини баҳолай олишлари, қўйилган мақсадга эришишда ўз режаларини пухта ишлаб чиқишли, инсон хулқ-атворини бошқариши, ролли меъёрлари ва қоидаларига доир билим ва ўзаро таъсирашуви, иштирокчилари билан боғлиқ новербал реакцияларда тўғри мўлжал ола билишлари туфайли инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлиши, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашга, мулодот иштирокчиларининг новербал реакцияларини кўзатувчанлигига, новербал мулокот харакатларини тушунишга сезгирилкни, бошқаларни тушунишларига имкон берар экан. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларидаги «новербал мулодот харакатларини тушуниш» қобилиятининг ривожланиши сабабли «шахслараро ўзаро таъсирашувни таҳлил этиш» қобилиятини яхшироқ намоён этишга олиб келар экан. Буни улар ўртасидаги корреляцион таҳлил қийматлари ифода этмоқда ( $r=0,272$ ,  $p \leq 0,05$ ). Бу икки қобилият орасидаги ўзаро ижобий корреляцион алоқадорлик қуйидаги социал интеллектнинг ифодаловчи хусусиятларни камол топишига олиб келади: мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг инсон кечинмалари, мақсади ва ҳолатини новербал намоён бўлишини, мимикаси, позаси, имо-ишорасига кўра тўғри баҳолашлари, мураккаб вазиятларни мулодот иштирокчиларини иштирокига қараб баҳолаш қобилияtlарини ривожлантираётган эканлар. Демак, юқоридаги илмий мулоҳазаларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, муайян муаммони ўрганишга қаратилган методикалар бугунги кунда мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий компетентлигини тадқиқ қилиш ва илмий хуносалар чиқариш имконини яратади.

#### Адабиётлар :

- Ганжиев Ф.Ф, Қодирова М.Д. МАКТАБГАЧА ТА’LIM MUASSASASI TARBIYALANUVCHILARI ІТМОИY-PSIXOLOGIK MOSLASHUVINING OZIGA XOS XUSUSIYATLARI. //Педагогик маҳорат. Илмий журнал. – Бухоро. 2020. №2. – Б. 109-111. (19.00.00. №7).
- Ганжиев Ф.Ф, Тўлаев Х.О. Researching the scope of the professional competence within activities. //International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. Impact Factor ICV = 6. 630 Philadelphia, USA. 2019. –Б. 388-391.
- Ганжиев Ф.Ф, Қосимова С.Б. Heads Of Competence In Psychologically School Education. International journal of scientific & Technology research volume 9, issue. 2020. -Б. 2787-2789.
- Ganjiev. F.F The basis of social and psychological adaptation of children in the conditions of preschool education. Bulletin of integrative psychology. Journal for psychologists, 59-64.
- Ганжиев Ф.Ф. ОСОБЕННОСТИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАЩИТЫ ЧЕЛОВЕКА В ЭКСТРЕМАЛЬНОЙ СИТУАЦИИ. Лазаревские чтения Лики традиционной культуры в, 2018. С. 117-118.

*Мундарижса/Содержание/Contents*

№		<i>bet</i>
		<i>стр</i>
		<i>page</i>
1	<b>Сайдов Бахтиёр Одилович</b>	<b>3</b>
	<b>Ўқувчи-ёшларда ватанпарварликни шакллантирувчи ижтимоий-психологик омиллар</b>	
	<b>Социально-психологические факторы формирования патриотизма у студенческой молодёжи</b>	
	<b>Socio-psychological factors formation of patriotism among student youth</b>	
2	<b>Носиров Джамол Шухратович</b>	<b>9</b>
	<b>Спортчи ва мураббийлар ўртасидаги шахслараро муносабатлар шаклланишининг назарий асослари</b>	
	<b>Теоретические основы формирования межличностных отношений между спортсменами и тренерами</b>	
	<b>Theoretical basis of the formation of interpersonal relationships between athletes and coaches</b>	
3	<b>Жумаев Улугбек Сатторович</b>	<b>13</b>
	<b>Оилавий низолар ва уларни бартараф этишда миллий қадриятларга йўналганлик установкаларининг етишмаслиги ижтимоий психологик муаммо сифатида</b>	
	<b>Семейные споры и отсутствие норм ориентации на национальные ценности при их устранении как социально-психологическая проблема</b>	
	<b>Family disputes and the lack of orientation standards to national values in their elimination as a social psychological problem</b>	
4	<b>Eshquvvatov To'lqinjon Eshquvvatovich</b>	<b>19</b>
	<b>Talabalarni pedagogik faoliyatga tayyorlashda nizoli vaziyatlar profilaktikasi</b>	
	<b>Профилактика конфликтных ситуаций при подготовке студентов к педагогической деятельности</b>	
	<b>Prevention of conflict situations in the preparation of students for pedagogical activity</b>	
5	<b>Davranova Gulbahor Numondjonovna</b>	<b>25</b>
	<b>Boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining psixologik xususiyatlarini inobatga olgan holda dars jarayonini tashkil etish</b>	
	<b>Организация процесса урока с учетом психологических особенностей учащихся начальных классов</b>	
	<b>Organizing the lesson process taking into account the psychological characteristics of primary class students</b>	
6	<b>Nazarov Davron Baxtiyor o‘g‘li</b>	<b>30</b>
	<b>Yosh sambochilar motivatsiyasini nazorat qilish psixodiagnostikasi va psixokorreksiyasi</b>	
	<b>Психодиагностика и психокоррекция управления мотивацией юных самбистов</b>	
	<b>Psychodiagnostics and psychocorrection of the management of young sambista motivation</b>	
7	<b>Mirzayev Djamshid Turdalievich</b>	<b>39</b>
	<b>Yoshlar ijtimoiy xulq - atvoriga intrnet muloqoti ta’sirining psixologik jihatlari</b>	
	<b>Психологические аспекты влияния интернет-общения на социальное поведение молодежи</b>	
	<b>Psychological aspects of the influence of internet communication on the social behavior of young people</b>	
8	<b>Qodirova Malikaxon Kaxramonovna</b>	<b>47</b>
	<b>Deviant xulq korreksiyasi</b>	
	<b>Коррекция девиантного поведения</b>	

	<b>Deviant behavior correction</b>	
<b>9</b>	<b>Акрамов Абдуалик Абдумуталович</b>	<b>50</b>
	<b>Таълим жараёнига инновацияларни жорий қилиш стратегиялари ва раҳбарнинг роли</b>	
	<b>Стратегии внедрения инноваций в образовательный процесс и роль лидера</b>	
	<b>Strategies for introducing innovations in the educational process and the role of the leader</b>	
<b>10</b>	<b>Атабаева Наргис Батировна</b>	<b>55</b>
	<b>Альтруизм феноменинг психологик талқини</b>	
	<b>Психологическая интерпретация феномена альтризма</b>	
	<b>Psychological interpretation of altruism phenome</b>	
<b>11</b>	<b>Olimov Laziz Yarashovich</b>	<b>63</b>
	<b>Sud psixolog eksperti ijtimoiy-psixlogik kompetentligi va huquqiy bilimdonligini rivojlantirish omillari</b>	
	<b>Факторы развития социально-психологической компетентности и правовых знаний судебного психолога-эксперта</b>	
	<b>Development factors of social-psychological competence and legal knowledge of forensic psychologist expert</b>	
<b>12</b>	<b>Каршибоева Гулноза Абдукадировна</b>	<b>69</b>
	<b>Социально - психологическое влияние на личность подростка</b>	
	<b>Socio - psychological impact on the personality of a teenager</b>	
	<b>O'smir shaxsiga o'tkazilsdigan ijtimoiy-psixologik ta'sir</b>	
<b>13</b>	<b>Бахриева Наргиза Ахмадовна</b>	<b>73</b>
	<b>Мактабгача ёшдаги болаларни ижтимоий-ҳиссий ривожлантиришнинг психологик жиҳатлари тадқики</b>	
	<b>Изучение психологических аспектов социально-эмоционального развития детей дошкольного возраста</b>	
	<b>Study of psychological aspects of social-emotional development of preschool children</b>	
<b>14</b>	<b>Гайбулаев Алишер Асадович</b>	<b>78</b>
	<b>Психологические факторы ролевого поведения подростков в ситуации буллинга</b>	
	<b>Буллинг ҳолатларида ўсмирлар хулқ-авторининг психологик хусусиятлари</b>	
	<b>Psychological factors of role behavior of adolescents in a situation of bullying</b>	
<b>15</b>	<b>Ганжиев Феруз Фурқатович</b>	<b>83</b>
	<b>Мактабгача таълим ташкили тарбиячилари ижтимоий-психологик компеентлигини тадқиқ қилинудуби</b>	
	<b>Методика исследования социально-психологической компетентности учителей школьной образовательной организации</b>	
	<b>The method of researching social-psychological competence of teachers of school education organization</b>	
<b>16</b>	<b>Жумаев Нодир Зайниддинович</b>	<b>89</b>
	<b>Педагогическая агрессия как профессионально обусловленная деформация учителя</b>	
	<b>Педагогик агрессия ўқитувчининг касб билан шартланган деформация сифатида</b>	
	<b>Pedagogical aggression as a professionally caused deformation of a teacher</b>	
<b>17</b>	<b>Жуманиёзова Насиба Раматилаевна</b>	<b>93</b>
	<b>Аутизм синдромли болалар ота-оналарининг копинг стратегиялари психологияк тавсифи</b>	
	<b>Психологическое описание копинг стратегий родителей для детей с синдромом аутизма</b>	
	<b>Psychological description of parents' coping strategies for children with autism</b>	
	<b>Жўраева Соҳибжамол Норқобиловна, Нормуродова Нафиса Баҳриддиновна</b>	<b>97</b>